

4-1404-2301/1225-сонли иш

Ўзбекистон Республикаси номидан
Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

2023 йил 28 июль

Жомбой тумани

Жомбой туманлараро иқтисодий суди судьяси Н.Турсунованинг раислигида И.Яхёевнинг қўлида, ХХХХнинг жавобгар - УУУУнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш шартларида киритилган аризаси юзасидан электрон кўринишда шакиллантирилган иқтисодий ишни Жомбой туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлиси муҳокамасида аризачи - ХХХХ вакили ХХХХ(ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

Аниқлади:

Аризачи - ХХХХ Жомбой туманлараро иқтисодий судига ариза билан муурожаат қилиб, жавобгар УУУУ солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлиги сабабли, унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Аризада баён этилишича жавобгар - УУУУ солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) 2023 йил март ойи учун жисмоний шахслар дароматидан олинган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда топшириши шарт бўлса-да бироқ, солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўрсатилган муддатда топширмаган.

Шу сабабли, аризачи - ХХХХ жавобгар - УУУУнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-моддасига асосан, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида (жавобгарнинг шахсий кабинети орқали электрон шаклда) тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 170-моддасига кўра, суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин деб белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128,170-моддаларига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқиши мумкин деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили жавобгар судга ариза тақдим этилгандан сўнг ҳам ҳуқуқбузарликни баратараф

этмасдан солиқ ҳисоботларини топширмаганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд аризачи вакилининг курсатмасини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига асосан, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчиси ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шартларга мувофиқ электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 273-моддасида, солиқ тўловчилар агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этиш шартлиги қайд этилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан солиқ органи томонидан жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда сабабларини кўрсатган ҳолда, белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиши ва банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатиб турилиши ҳақида 2023 йил 19 май куни огоҳлантириш хати юборилган.

Лекин, жавобгар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) 2023 йил март ойи учун жисмоний шахслар дароматидан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботлар 2023 йил 17 июль кунига қадар ҳам тақдим этилмаган, ушбу ҳолат аризачи томонидан судга тақдим қилинган маълумотда ўз ифодасини топган.

Шу муносабат билан XXXX томонидан 2023 йил 10 июль куни қарор қабул қилиниб, унга кўра, жавобгарнинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича чиқим операциялари ўн кунга тўхтатган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига мувофиқ юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида ва бошқа ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Ушбу модданинг 1-қисмида, - “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар

ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк варақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилинишига қадар тўхтатиб турилади”,-деб белгиланган.

Суд юқорида баён этилган иш ҳолатлари ва қонун нормаларига мувофиқ суд мажлиси кунига қадар ҳам жавобгар томонидан ҳуқуқбузарлик бартараф этилмасдан солиқ ҳисоботлари давлат солиқ инспекциясига тақдим этилмаганлиги сабабли, аризани қаноатлантириб, жавобгар томонидан Солиқ кодексида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органига солиқ ҳисоботларини топшириш орқали ҳуқуқбузарликни бартараф этгунга қадар унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг чиқим қисмини тўхтатиб туришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128,170,176-179, 222-моддаларини қўллаб,

Қарор қилди:

Аризачи - XXXXнинг жавобгар -УУУУга нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар - УУУУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органига солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) УУУУсолиқ ҳисоботини топшириш орқали ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунига қадар унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операция(бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно)лари тўхтатиб турилсин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддаси 5-қисмига мувофиқ жавобгарнинг банкдаги ҳисобварағи бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш учун жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига суд ҳужжатини тақдим этиш аризачи - XXXX зиммасига юклатилсин.

XXXX зиммасига жавобгар томонидан ҳуқуқбузарлик бартараф этилган тақдирда, бу ҳақда унга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига бир кун муддат ичида банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни

тиклаш ҳақидаги кўрсатмани тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

Protected by PDF Anti-Copy Free

XXXXнинг ҳуқуқбузарлик бартараф этилганлиги ва банк ҳисобварақлари буйича операцияларни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлардаги операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кунлик муддатдан сўнг қонун ҳужумига киради. Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан Жомбой туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция шикояти беришга ҳақли.

Судья

Н.Э.Турсунова